

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган

№ 14 (65890)
1996 йил, 2 март, шанба

Сотувда
эркин нархда



Ўлкам хусни гул, дарахт,
кўчат экиб, боғ ярат!



Ҳар баҳорда шундай бўлади. Болалар ҳам, катталар ҳам кўчат утқазиб, ариқ-зовурларни тозалаш, эндигина куртаклаш, гуллаш арафасида турган дарахт таналарини оқлаш, ишлов бериш тараддудига тушадилар. Бу гал ҳам...

Одилжон уйқуга ётиш олдиан белкурак, тоққайчи, арра, болта ва бошқа анжомларни тахт қилиб қўйди.

— Аввал кўчат утқазамизми, ток очамизми, кераксиз дарахт шохларини кесамизми? — уйлади ўкузи илинар экан.

Эртасига Одилжон мактаб боғига ҳаммадан олдин етиб келди. Бирин-кетин Фарҳод, Бахтиёр, Миркомил, Козимжон, меҳнат ўқитувчиси Қудрат ака ҳам етиб

келишди.

Болалар аввал бажариладиган юмушларни белгилаб олишди.

— Демак, аввал дарахтларнинг

синган, зарарланган шохларини кесамиз, мана бу катта-катта тошларни бир четга олиб чиқиб ташлаймиз, — таклиф киритди Миркомил.

Қудрат ака Нурматов ўқувчиларнинг ташаббускорлигидан мамнун ҳолда бир сиқим тупроқни қўлига олди.

— Еримиз бебаҳо-да, ҳозир айна кучга тулиб турибди. Кўчат экса бас, — кечагина бу ерга олиб келишни мулжаллаб қўйган ниҳолларни хаёлидан утказди устоз.

Баҳорнинг илк кунлариданоқ боғда тайёргарлик ишларини бошлаб юборган бу ўқувчилар Тошкент шаҳар, Миркомил Миршаропов номидаги 123-мактабнинг юқори синф ўқувчиларидир.

СУРАТЛАРДА: мактаб боғида иш қизгин.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.



БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 284-мактаб-лицей жамоаси юртбошимиз Ислоҳ Каримов олиб бораётган оқилона сиёсатни қўллаб қувватлаб у кишига мактуб йўллашди. Президентимиз ҳам ўқиш-ўқитиш ишларида муваффақиятлар тилаб мактаб жамоасига мактуб билан жавоб қилди.

Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 14-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Комилжон Мирсолиев ижро этган «Ватаним» қўшиғи «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловининг биринчи босқичида яхши баҳоланиб унга бош мукофот — 3 минг сўм топширилди.

Нукус шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 39 та ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчиларидан 68 нафари учинчи республика олимпиада турида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Наманган вилояти Чуст тумани ҳокимлиги мактаб ва билим юртилари ўқувчилари ўртасида ўлкамиз тарихининг энг билимдонларини аниқлаш бўйича кўрик-танлов эълон қилди. Наврўз байрами арафасида якунланган кўрик-танлов ғолибларини катта мукофот қутмоқда.

Самарқанддаги болалар эсарроҳлиги илмий-ўқув ва даволаш бирлашмаси бош директори, профессор Азамат Шамсиев болалар касалликларини даволашда эришган ютуқлари учун Нью-Йорк Фанлар академияси аъзолигига сайланди.

Шу сонга хабар

ДУСТЛИК ҒОЛИБ ЧИҚДИ

Куни кеча Тошкент туманидаги 25-ўрта мактабда мактаблараро қизиқарли анжуман бўлиб ўтди. У «бошлангич синфлар ўқиш дарсида мустақил ишлашни ташкил қилиш» мавзусига бағишланди. Ушбу ўзига хос беллашувда туртта очик дарс ва битта очик тарбиявий соат утқазилди. Очик дарслар «Ҳазрати инсон», «Зумрад баҳор», «Таргил сигир балла-

даси» мавзулари бўйича бўлиб, уларни ўқитувчилардан Шарифа Юсупова, Зухра Хожобекова, Саида Маҳмудова, Маҳмуда Мансуровалар ниҳоятда мароқли олиб бордилар. Устозлар билимларини болаларга етказишда турли кургазмали куроллар, қўшим-

ча адабиётлардан фойдаланганлари сабабли ниҳоятда қизиқарли бўлди.

Очик тарбиявий соат «Нон азиз» деб аталиб, уни бошлангич синф ўқитувчиси Сайёра Суннатовна олиб борди.

Қувонарлиси, дарсларда

мактаб ўқувчиларининг барчаси фаол қатнашди. Хуллас, дўстлик ғолиб чиқди. Мактаб директори Нигматилла Қорабоев, бу ерга ташриф буюрган барча устозларга миннатдорчилик билдирди.

Муҳаббат
МАКСУДОВА.



СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ ҚАНДАЙ?

Бир неча йилдирки, бошлангич синф ўқувчиларига раҳбарлик қиламан. Ўқувчиларим ҳозир 6-синфда ўқияпти. Иш таърибидан шунч яхши биламанки, синф мажлислари аксарият ота-оналар учун ортиқча таниши. Бирор вақти руқач қилишдида, узларини ҳам, мени ҳам аллаб, мажлисга келмай қўя қолишди. Мен бир нарсага тушунолмайдим: Фарзанд тарбиясида ҳам муҳимроқ юмуш бўлиши мумкинми, ахир!!

Бу тал ҳам худди шундай манзара бўлишини, келишганда ҳам 5—6 нафар аълочи ўқувчиларимнинг оналари келишлари мумкинлигини назарда тутиб, дарсад сўнг ўқувчиларимнинг папкаларини олиб қолдим. «Ота-оналарингиз мажлисдан сўнг олиб кетишди» деб тайинлаб, уйларига кузатдим. Уттиз нафар ўқувчидан 23 нафарининг оналари келишди, ҳоло. Мажлисни бошладик. Аввал мен

гапирдим. Ҳар бир ўқувчим ҳақида алоҳида тўхтадим. Ўқишлари, хулқи, жамоат ишларидаги иштироклари хусусида узоқ сўзладим. Уларнинг баҳолари билан таништирдим. Сўнгра навбатни ота-оналарга, йигир, турғироти, оналарга бердим: «Қани, кимнинг нима таъи бор? Бирор тақлифларингиз, фикр-мулоҳазаларингиз, қолаверса, эътирозларингиз бордир, марҳамат, бемалол гапирверинглар». Ҳамма жим. «Ҳеч гапирмиз йуқ, ҳаммаси яхши, раҳмат» деган сўзлар хиел эшитилиб қолади. Лекин ҳеч ким далил уридан туриб, жуъли бир фикр айтмайдди. Шунда, йигилишимиздан яна бир мақсад, ота-оналар кўмитаси раиси, унинг аъъолларини сайлаш эканлигини айтдим. Улар яна жим. Раисликни ҳам сансолар қилиб, бир тўхтамага келиш олишмади. Бирлари «мен ишларман, вақтим йуқ» десалар, яна бир

лари «менинг еш болам бор, уйимдан ортолмайман» дея важ курсатдилар. Шундай қилиб, бир қарорга келиш олимай утил-қизларининг папкаларини олиб, уй-уйларига тарқатилди. Гуеки ота-оналар кўмитаси раисининг зиммасига мактабнинг бутун ташвишларини юклатиб қўйилгандек.

Хуллас, аҳвол мана шунақа. Айрим узлангитриши паст булган ўқувчиларимнинг ота-оналари билан гапирсам, зора ижобий томонга узариш булса, деган ниятда мажлис қақирсаму улар эса «Келингми, келдим» қабилда иш тутилса!

Қадрли ота-оналар, ҳамкасбларим, сизнинг бу хусусда фикрингиз қандай? Менга маслаҳат беринг!

Номира АЛЛАЕВА,
Бухоро вилояти.

ШИРИН СЎЗНИНГ ҚУДРАТИ

Мана, 45 йилдан буён мактаблар билан бирма-бир танишиб чикдим, ҳар бири билан узоқ сўхбатлашдим. Сўхбат баҳона улар қалбига қўл солиб кўрдим. Ҳар кимнинг қизиқишига қараб йўналтира бордим. Ўқувчиларим орасида Салима исмли қизанинг ҳатти-ҳаракатлари эътиборимни тортиди.

Салима табиатан оғир, босиқ қиз. Лекин ўқишлари анча буш, бирор фанга алоҳида қизиқишини сезмадим. Лекин ўзи ута озода, саранжом-саришта. Синфимизда Салима навбатчилик қилган кун дарров билинади. Синф хонаси, парда ва поллар ярақлайди. Ҳатто дераза ойналарини ҳам артиб чиқади. Пардаларнинг озодалигию ёзувчилар суратларининг илиниши ҳам унинг эътиборидан четда қолмайди.

— Раҳмат, она қизим, — дедим

Биринчи иш бошлаган куним болалар билан бирма-бир танишиб чикдим, ҳар бири билан узоқ сўхбатлашдим. Сўхбат баҳона улар қалбига қўл солиб кўрдим. Ҳар кимнинг қизиқишига қараб йўналтира бордим. Ўқувчиларим орасида Салима исмли қизанинг ҳатти-ҳаракатлари эътиборимни тортиди.

Салима табиатан оғир, босиқ қиз. Лекин ўқишлари анча буш, бирор фанга алоҳида қизиқишини сезмадим. Лекин ўзи ута озода, саранжом-саришта. Синфимизда Салима навбатчилик қилган кун дарров билинади. Синф хонаси, парда ва поллар ярақлайди. Ҳатто дераза ойналарини ҳам артиб чиқади. Пардаларнинг озодалигию ёзувчилар суратларининг илиниши ҳам унинг эътиборидан четда қолмайди.

— Раҳмат, она қизим, — дедим

бир куни унга навбатчиликдан сўнг. Ўқишларингиз ҳам анча яхши бўлиб борапти. Ҳаракатни бўшаштирма!

Шу икки оғиз ширин сўз сабаб Салима таниб булмас даражада узгарди. Дугоналари билан ҳазил-мутойиба қилиб, уйнаб-қуладиган, дарсларга эътибор билан қулоқ тўтиб, тушунолмай қолган жойларини дадил қўл кўтариб, қайта сўрайдиган бўлиб қолди. Бир сўз билан айтганда, Салимада уз-ўзига булган ишонч шаклланди. Бундай ижобий узгаришлар нафақат унда, ўқувчиларининг барчасида сезила бордин. Тез орада синфимиз номидан «қийин синф» деган тамғани олиб ташладик.

Қидирбой ТҮЛЕБОЕВ,
Тошкент шаҳридаги 230-мактаб ўқитувчиси.



Болаларда ҳам, катталарда ҳам шундай бир хусусият бор: Бирор фикр юритишганда, албатта узларини ҳақ, деб билишди. Лекин ҳолис бир одам уларнинг нечоғли ҳақ ёки ноҳақ эканликларини баҳолаши мумкин. Шу билан бирга уларга керакли маслаҳат ва йўл-йўриқлар курсатишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Ана шу мақсадларда эътиборингизга турли мавзудаги мактублардан ҳавола қилаймиз. Ўқиб, хулоса чиқариш, фикр ва мулоҳазалар билдириш сиздан — азиз ота-оналар, қадрли устозлар!

Ўз навбатда фарзандлар одоби, таълим-тарбияси, илми масалалари асосий мавзу қилиб олинган ушбу қўшсаҳифамизнинг нафақат муштарийлари, балки доимий муаллифлари ҳам бўлишингизни истардик.

Шанба - ота-оналар кунис

ХАЗИНА КАЛИТИ

Болалигимни жуда яхши хотирлайман. Шинамгина ҳовлимиз, унча катта булмаган боғимиз буларди. Унда мевали дарахларнинг ҳар хили бор эди. Узум суриси тағидаги супачада ўтирардик. Отам зиёли, тўғри сўз, захматкаш, узгалар иши учун туғилган инсонлардан. Кечки овқатга фотиҳа ўқилган, узоқ-узоқ сўхбатлашардик. Отам одоб-ахлоқдан панду насихатлар қиларди. Ҳадисдан суралар ўқиб берардилар. Ёшлиқда илм олиш, кексалиқда эса ундан фойда олиш лозим, ёшларга ҳаё ва ботирлик, ёши улугларга мулоим ва



45-миллий лицейда сабоқ олдим.

Ислоом илми, ахлоқу одоби илми тубсиз бир хазина экангүё. Кимки унга ошно тутинса, қадр-қиммати балеанд буларкан. Ҳозирги кунда мактабда бошлангич синфларга араб тилидан дарс бермоқдаман. Муаллим учун мактаб иши иккинчи дорилфунун экан. Ўқувчиларим эса энг ҳаққоний, хушёр ва талабчан ҳакамлардир. Уларнинг синовидан муваффақиятли ўтиш учун астойдил изланапман.

Нигора АҲМЕДОВА,
Тошкент шаҳар, Миробод туманидаги 214-мактабининг араб тили ўқитувчиси.

ЎЗИМИЗНИНГ НИГОРА ОПАМИЗ

Она тили ўқитувчимиз Нигора опа бошқаларга сира ухшамайди. Жуда мулоим меҳрибон устоз. Бир тасаввур қилинг-а, сиз дарсага тайёрланмай келдингиз. Ўқитувчимиз қандай йўл тутади? Синф журналини очиб, сизга «2» баҳо қўйиши тайин. Бу ҳам етмагандек, ота-онангизга курсатиш учун кундалигингизга ҳам каттакон «2ни муҳрлаб қўяди. Нигора опам эса...

Келинг яхшиси бир бошдан гапириб бера қолай. Бир куни она тилидан дарсага тайёрланмай келгандим.

Ўтилган дарсни ким гапириб беради? — сурардилар Нигора опам. Ҳамма баробарига қўл кутарди. Мен булсам индамай ўтиравердим. Учакшигандек, Нигора опам:

— Қани, Абдулазиз доскага чиқчи, — деб қолдилар. Ноилож, секин уримдан туриб доскага чиқдим. Лекин нимани гапиритишни билмай, жим туравердим. Шунда ўқитувчимиз ёрдамга келдилар. Ўтилган мавзунинг кириш қисмини бироз эслатиб юбордилар. Кутилмаганда ҳаммаси ёдимга тушди.

«Ж» харфининг сўз бошида, уртасида, охирида ишлатилиши ҳақидаги қоидаларни уз сўзларим билан тушунтириб бердим. Ҳатто мисоллар ҳам келтирдим.

— Дарсага тайёр экансану камтарлик қилибсан-да, — дедилар Нигора опам кундалигимга «5» баҳо кутариб.

Дарс сўнгиде ибратли ҳикматлардан, Ҳадислардан ўқиб бердилар. Одамларга қўлидан келганча яхшилик қилиш ва қилган яхшилигини ҳеч қачон миннат қилмаслик лозимлиги ҳақида насихатлар қилдилар.

Дарс тугаб уйга қайтаётган эдик. Биздан олдинроқ икки қўлида оғир юк кутарган бир отахон борарди. Устозимизнинг гаплари ёдимга тушиб кетди. Югуриб бориб мўсафиднинг қўлидан юкни олдим.

Ўзинг нимжонгина бола экансан, чарчаб қолсан, қўяқол, — дедилар отахон. — Уйимга ҳали анча бор.

— Йуқ, оғир эмас, — деганча юкни кутариб кетавердим. Чарчасам ҳам сир бой бермадим. Уйлариға етган, отахон узундан узоқ дуо қилди: «Умринг узоқ бўлсин...»

Сўффарзанд, сердавлат бўлгин...» Шунда чарчокларим ҳам зумда тарқаб кетгандек бўлди.

Абдулазиз МАЛИКОВ,
Фарғона шаҳри.



ҚЎГИРМОЧЛАР СОЧАМИЗ

Болажонлар той-той Тура қолсин, тура қолсин! Битта-битта қадам ташлаб Юра қолсин, юра қолсин!

Думбир-думбир қилиб ўзи Болаларга ета қолсин. Қоқилмасдан, йиқилмасдан, Йулин топиб кета қолсин.

Сув ичишга, лой кечишга Дарродан йўл солмасин-а! Аммаларнинг, ҳолаларнинг Қулгусига қолмасин-а!..

Катта-кичик ўртоқлари Катта йўллар очишади. Ширин қулча юмалатиб, Қўғирмочлар соч...шади.

НОҚОБИЛ ОИЛАДА

Менинг тажрибамда қатнашган ота-оналарнинг 30 фоизи уз болаларини тарбиялашга ноқобил эканликлари маълум булди. Бундай оилаларда болалар уз ҳолича усади. Қизиқишлари ва интилишлари ҳам ота-оналарининг эмас, кўни-қўшнларнинг ҳатти-ҳаракатларига қараб шаклланади. Улар орасидан келажакда гайритабиийроқ кишилар етишади. Олимлар, шоирлар, жиноятчи ўғрилари ва ҳоказо.

Жеймс ДОПССОН.

Фарзандларингизни толесиз қилишнинг энг синалган усули қандайлигини биласизми? Улар нима десалар, ҳаммасига «хўп» денг.

Ж. Ж. РУССО.

Уз фарзандларини бахтли қилишга интилувчи меҳрибон она кўп ҳолларда узининг тор қарашлари, келтабин мулжаллари, ортиқча гамхўрлик ва меҳрибонликлари билан уларнинг қўл-оёқларини боғлаб қўяди.

Д. И. ПИСАРЕВ.

Оилада ҳаётнинг бош мудоа ва мақсад — болалар тарбияси. Болалар тарбиясининг бош мактаби эса ота-онанинг узаро муносабатидир.

В. А. СУХОМЛИНСКИЙ.



ЁНИМДА БУЛИНГ, ОЙИ

Ойижон, ойижон, Чопамаг. Узимга овуноқ Топаман. Хайқимай қолман ҳаттоки Уришса ҳам Боғча опамдан! Айтман, «уйинчоқ беринг», деб.

Шўхлигим ортади, Чопамаг. Узимга овуноқ Топаман. Хайқимай қолман ҳаттоки Уришса ҳам Боғча опамдан! Айтман, «уйинчоқ беринг», деб.

Биз билан банд бўлиб юринг деб. Ойижон, ойижон, Жо-о-н ойи! Енимда бўлинг ҳар он, ойи! Енимда булсангиз хуррамман, Тиллари ҳам бурро — бурроман...

МЕНИНГ «ДАДАМ»

Мен олтинчи синфда ўқийман, исмим Дадавои. Ака-опаларим уйли-жойли бўлиб кетишган, узоқ-яқин қишлоқларда яшашади. Синфдош дўстларим кўпинча, «кечкурун дадам билан бирга дарс тайёрладим» ёки «Дадам мени фалон жойга олиб бордилар, фалон нарса олиб бердилар» деб гапиршиша, ичимдан уларга ҳавас қиламан. Чунки менинг дадам бутунлай бошқа олам. Уйимизда ҳар куни жанжал, тўпалон. Онам уззу-кун ишда бўлади. Яна уйга ҳам иш олиб келиб, ярим кечагача машинкада нималарнидир чиқ-чиқлаб, пул топадилар. Дадам эса ҳеч қаерда ишламайди, ичкиликка муқкасидан кетган. Мактабдаги ота-оналар мажлиси ҳам доимо онам борадилар. Чунки дадамдан ор қиламан. Юриш-туришлари ҳам, гап-сўзлари ҳам алмойи-алжойи. Қолаверса, узлари ҳам бормайдилар. Тунов кўни дарс тайёрлаб ўтирувдим, дадам бир дусту билан маст ҳолда кириб келдилар. Яна тинчим бузилди. Дарс ҳам дарсада қолиб кетди.

— Да-дахужа, Дада-ху-жа... — дадам мени бағрига босиб юзларимдан чўпиллатиб ўпа бошладилар, — узимнинг ўғлим... Ўқи, ўқийвер, пул китобини ўқи! Одам бўласан. Дадам яна алланималар деб, ухлаб қолдилар. Менинг эса дарс тайёрлашга қўлим бормасди. Қани энди, менинг дадам ҳам ўртоқларимнинг дадаларидек бўлсалар! Маҳалламиз оқсоқоллари дадамга бир неча бор танbeh беришиди, йўлга солмоқчи бўлишди. Наф бўлмади. Тўғриси, дадам учун мен уяладиган бўлиб қолганман. Доимо эзилиб юрман.

Ҳали жуда ёшман. Лекин улғайган, мен ҳам албатта ота буламан. Лекин дадамга ухшаган ота эмас. Фарзандларини астойдил севадиган, уларни меҳр билан парваришлайдиган, бор-йўғидан хабар оладиган, ҳеч нарсага муҳтож қилмай, илми-билимли қилиб тарбиялайдиган ҳақиқий ОТА буламан.

Дадавои ҚҮЛДОШЕВ,
Самарқанд вилояти, Жомбой тумани.

Қаердаемиз, ойимизком?

Кўшнинг совуқ кўни. Кучсиз қўвш тағтидан бироз эриган қор кечга бориб яна қайта музлади. Ўзгиринли шамол бурун ва қулоқларини «чим-чиллади». Нарғиза дарсдан чиқиб, уйга қайтпти. Юпунгича қийинган, эғидида уриниб кетган пальто. Бир қўлида папкаси, иккинчи қўли билан оғиз-бурнини беркитиб олган, оёқлари жикқа хўл. У жуда хомуш ва уйчан. Кейинги бир йил ичида ўқишлари пасайиб кетди. Бир вақтлар ўқишда унинг олдида тушадигани йўқ эди...

— Ассалому-алайкум, ойижон, — деди у оҳиста уйга кираркан. Папкасини жойига қўйиб, исиниш учун лечка ёнига тикилди. Ониси Софийахон эса алиқ олиш ўрнига, кузларини лўқ қилиб: — Ҳа, намунча ҳаялдингиз? — деди терс оҳанда, — тезда ҳовлига чиқиб, қор ва музларини кураб ташла. Кейин ҳаммомни тозалаб чиқ.

— Ойижон, қорини оч, овқатланиб олай, — деди Нарғиза қўрқ-қўрқ-қўрқ.

— Нима, мактабда овқатланмадингми? Тез-тез е, вақт келтипти...

Нарғиза апил-тапил овқатланган бўлиб, қовлига югурди. Ониси буюрган юмушларини тезда бажарди-да, дарс тайёрлашга утирди.

— Ўқиб-ўқиб-менга шаҳар обертаридинг, тур ўринингдан. Кечки овқатни сенинг ўринингга мен қиламанми? — деганча қўлидаги су-

си катта қилапти. Отаси Раҳимжон ака ишга эрта кетиб, кеч қайтади. Угай онанинг Нарғизага қўрсатётган зугумларидан беҳабар. «Агар отангга шикоят қилсанг, қўрасан» нўтиса қилади доим.

Нарғиза совуқдан жунжикиб, айвонда хомуш утирарди. Ҳаёли ач-оҳангда.

— Узим шундай, — дилини очмади Нарғиза.

— Ўқитувчимиз «Нарғизага ўқишларида ёрдамлашиб юбор, бирга дарс қилинглар», дегандилар. Шунга...

— Мени уз ҳолимга қўй! — кўнгли тўлиб йиғлаб юборди Нарғиза. Кузларидан шашқатор ёши қўйила бошлади. Муҳаббат дугонасининг гамгинлиги сабабини энди англади. Угай онаси азоб берган. Лекин уни бир нарса уйлантирарди. Нарғиза ҳеч қачон угай онаси ҳақида ёмон гапирмас, у ҳақида доимо ҳурматлаб сўзларди. Ўқишларининг пасайиб кетиши сабаби ҳам бу ёқда экан-да, шурликнинг. Муҳаббат дугонасининг тинимсиз силкинувтан елкасидан кўчиб, юпатмоқчи бўлиб, нима дейишни билмай жим қолди. Нарғиза эса бор овози билан дод солди. «Сени жуда соғиндим, онажон! Мени ҳам ёнингизга олиб кетинг!..»

Нарғиза ҲАСАНОВА,
Алтинон вилояти, Булқобони қўшлови.

ОЙ КУЙЛАЙДИ

Тун чулғониб сокин сукутта Кузатади сайёраларни ва санчади момиқ булутга Митти юлдуз — овораларни. Алла айтар дилдан ўксиниб, Эркалайди кўзларни хушхол. Ой куйлайди, куйлайди тиник

Тонгдошларинг ИЖОДИ

Ёғдулари ёруғ тонг мисол. **Муниса ЮНУСОВА,** Тошкент вилояти, **Зангиота туманидаги 15-мактаб ўқувчиси.**

ШАББОДА

Шаббода эрта тонг майин елади. Қалбларга хузурбахш туйғу беради. Гуллар нағмасини олиб келади, Яшил япроқлардан шабнам теради. Майсалар шивирлаб беради салом. Шаффоф сув шилдираб Бағишлар ором.

Куёш ҳам жилмайиб юзин очади. Шаббода йўлига зар нур сочади.

Жўрабек ХАМИДОВ, Самарқанд вилояти, **Тойлоқ тумани.** **Нафис санъат лицейининг 11-синф ўқувчиси.**

ҚЎЗИЧОҚ

Менда бор бир қўзичоқ, Жуни майин, ранги оқ. Кўзлари митти мунчоқ, Мен билан яшар иноқ.

ОЛМАХОН

Олмахоним, олмахон, Бўл менга азиз меҳмон. Сени меҳмон қиламан, Ёнғоқ чақиб бераман.

СУВ

Эй камтарин, зилол сув, Менга жуда ёқасан. Қувнаб-ўйнаб шўх куйлаб, Қай манзилга оқасан? Мовий зилол сувингни, Ерим қониб ичади. Шунинг учун ҳосилин, Юртим узра сочади.

Олимжон ОЧИЛОВ, Жиззах вилояти, **Зарбдор туманидаги 3-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.**

ЧУМОЛИ

Тинмай қилади меҳнат, Чарчашни билмас ҳеч вақт. Озиқ гамида елар, унга ҳавасим келар.



7-«Б» синф ўқувчилари адабиёт фанидан «Ким бўлсам экан?» мавзуида иншо ёзишарди. Кўпчилик болалар «Нима деб ёзсам экан?» дея бош қашлаб қолишди. «Ким бўлишимни ҳали ўзим ҳам билмайман» деб ёзиб берганлар ҳам бўлди. Шарифжон эса ҳеч иккиланмай келажакда касибчилик касбини эгаллаш ниятида эканлиги ҳақида иншо ёзди. Синф раҳбари Раъноҳон опа Каримова ҳам ёшлигиданоқ бир ишнинг бошини тутиб, мақсад сари интилаётган Шарифжоннинг иншосини аълога баҳолаб, болаларга ўқиб берди.

Шарифжоннинг аҳдида жон бор. Чунки у мана бир йилдирки, 4-пояфзал таъмирлаш



МЕН КАСИБ БЎЛМАЙМАН

устахонасига қатнайди. Устози Солихон ака Суфижоновдан касибчилик сирларини ўрганиб келяпти.

— Дадаси, — нолиб қолди бир куни Шарифжоннинг онаси Санобар опа, — Саида билан Каримжонга яқиндагина олиб берган этикчаларингизнинг оғзи очилиб кетибди. Мактабдан қайтганича оёғи жиққа хўл бўлиб кетибди. Шарифжон онасига ҳеч нарса демади-ю, индамай ишга киришиб кетди. Оёқ кийимларининг чокидан сўкилган жойларини тикди. Ҳатто дадасининг оёқ кийимларини ҳам таг чармларини таъмирлаб, миҳлаб қўйди.

— Ҳунар — хунардан унар, деганларидек, Наманган шаҳар, Абдурахмон Жомий номли 28-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Шарифжон Дадаҳоновнинг келажакда касибчилик касбининг моҳир устаси бўлиб етишишига ишончимиз комил.

Асқаржон ОБИДОВ, Наманган шаҳри, вилоят ёш техниклар маркази.

Истаклар, талаблар, таклифлар



Билмадим, ушбу мулоҳазаларимни сизларга йўллаб тўғри қилаётганимни ёки йўқ. Лекин ҳар ҳолда «Тонг юлдузи» биз ўқувчиларнинг гезетаси булгани сабабли қалбимдаги турли уйлاردан сизни ҳам оғоҳ этишни лозим топдим.

Мен пойтахтимиздаги Красногорск деб номланган посёлкада яшайман. Бу ерда кучалар ҳам талайгина. Улар — «Ленина», «Фрунзе», «Геологическая», «К. Маркс», «Молодёжная» ва ҳоказо. Ана шуларнинг баъзилари, яъни мабодо уша ерда маҳалла қўмитаси ҳамда унинг раиси бор бўлса, номлари ҳам узгартирилган. Қолганлари эса ҳамон уша эски атамалар билан қолиб кетмоқда.

ОҒАМЛАРГА САЛОМ АЙТИНГ

Мисол учун мен яшайдиган Чапаев кучасида асосан рус тилида сузлашувчи аҳоли истиқомат қилади. Лекин нима сабабдандир маҳалла қўмитаси раиси ҳали сайланмаган. Айтгандай, тўғри, бу ердагилар узаро аҳил, тинч-тотув ҳаёт кечиришмоқда. Менимча, худди шу ерда ҳам турли-туман маҳалла тadbирларини утказадиган бир жамоа тузилса яхши булардида.

Менинг яна битта — асосий фикрим — бу ердаги «Советская», «Театральная», «Восточная», «Шахтёрная» ва бошқа номдаги кучалар буюк алломаларимиз Аҳмад Фарғоний, Ал-Хоразмий, Абу Зайд Балхий, Носир Хисрав ва бошқа шу сингари номлар билан аталишини истардим. Лекин бу тўғрида кимлар билан маслаҳатлашишни билмаяпман. Қадрли Юлдузхон! Мақтубим маъқул тушса, менга ҳамфикр булган оғаларим, опаларимга мендан салом айтинг.

Ҳавасхон СОДИҚОВА, Тошкент вилояти, Красногорск посёлкаси, Чапаев кўчаси, 7-уй.

Таҳририятдан: Газетхон Ҳавасхон Содиқованинг ўзи яшаб турган кўчалар номлари ўзбекона бўлиши ҳақида қайғуриб мактуб йўлагани бизни қувонтирди. Лекин посёлка мутасаддиларининг бепарволиклари эса биров ранжитди. Ахир ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 7 йил бўлаяпти! Наҳотки кўчалар номларини ўзбекчалаштиришни ҳали ҳеч ким ўйламаган бўлса?!

Танасидан оғир боши,
Куп жойда у ишбоши.
Меҳнатидан ҳамма рози,
Тўқ-тўқ, тақ-тақ овози.

(Богов)

Қуриб булмас куз билан,
Ушлаб булмас қул билан.
Усимликлар куйлашар,
Шивирлашиб у билан.

(Шомаш)

Хом киради ичкарига,
Пишиб чиқар ташқарига.

ТОПИШМОҚЛАР

Дастурхонни безаб, доим,
Дармон булар ёш қарига.

(нон)

Ҳар кун ерга тушади,
Иккита сара парда.
Икки рангда иккови,
Оқ парда, қора парда.
Тушганда қора парда,
Оқ парда беркинади,

Оқи тулса агарда,
Қораси чекинади.

(наў ва нў)

Осмондан шатир-шутир,
Ёғилганда уқ булар.
Гар қўлингга ушласанг,
Лаҳза утмай йўқ булар.

(ибу)

Қорга ухшар, эмас қор,
Қор каби совуғи бор.
Қуёш чиққан замони,
Йўқолар уша они.

(водиҳ)

ЖИЛМАЙИНГ, УМРИНГИЗ УЗОҚ БУЛАДИ

Собир уй эшигини очиб, ичкарига қалам босиши билан, ортидан совуқ гуриллаб кира бошлади. — Худди пойлаб турганга ухшайди-я, эшикни тезроқ епақол,

— дейди онаси. — Бечора совуқ ҳам совуқ еганда, булмаса, кетимдан иссиққа узини урармиди, — деди Собир.

— Мен сендан битта куйлак ортиқ йиртганман, нима десам дарров «хўп» дегин, — дея ҳадеб танбех берверарди ака.



Бир кун укаси шартта куйлагини йиртиб, акасининг олдида ташлади. — Бу нимаси? — хайрон булди ака. — Сиз қанча куйлак йиртган булсангиз, меники ҳам шунча булди. Энди ҳадеб иш буюраверманг, — деб жавоб берди.

Наргизага опаси ҳисоб-китобни

урғатаркан, деди: — Туртга ёнғонинг бор, иккитасини одамгарчилик юзасидан дугонанг Сарвиги берсанг, узингда қанча қолади? — Туртга. — Узи туртга-ку? — Чунки Сарвининг одамгарчилиги йўқ.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир **Умида АБДУАЗИМОВА**

Таҳрир хайъати: **Наримон ОРИФЖОНОВ,** **Омон МАТЖОН,** **Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,** **Марат ШАФИЕВ,** **Феруза ЖАЛИЛОВА,** **Сайриддин ХОЛОВ** (масъул котиб)

IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-0137. 7691 нуسخада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга тошириш вақти 19.00. Тоширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефон: 33-44-25